Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 7 ноябрь, сешанба. №136. (21.899). Сотувда эркин нархда.

## ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

**Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов 2 ноябрь куни бир гуруҳ олимлар — мамлакат Фанлар академияси вакиллари билан учрашди.**

Ўзбекистон фани, хусусан, Фанлар академияси олдида турган муаммолар кўп, деди Ислом Каримов. Биз аввалги учрашувларимизда уларни ҳал этиш бир кунда бўладиган иш эмаслиги, бу масалаларни қадам-бақадам ечиб бориш тўғрисида фикрлашган эдик. Шундан буён ўтган икки йилча вақт мобайнида академиянинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижодий муҳитни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, қийинчилик билан бўлса-да, олга силжиқда. Шуниси қувончлики, ислоҳотларнинг дастлабки натижалари, бу йўлдаги ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Буни нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёдаги буюк давлатларнинг раҳбарлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Бизнинг икки-уч йил аввал Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган шиоримизни истеҳзо билан қаршилаган айрим кимсалар ҳам бугунги ҳақиқат олдида тан бермоқда.

Бу меҳнаткаш халқимизнинг самарали меҳнатлари натижаси ютуғидир. Бунда сиз, турли соҳа олимларининг ҳам сезиларли ҳиссангиз бор, қолаверса, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак маданият, интеллектуал салоҳият борки, ана шулар бу натижаларни қўлга киритишда асосий омил бўлди, десам янглишмайман. Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу — меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақл-заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамида таъкидлаганимиздек, энг оғир кунлар ортда қолди. Бизни Яратганнинг ўзи бало-қазодан асради ва асраяпти. Фарғона, Ўш фожиаларининг олови вақтида ўчирилди, миллий, диний низолардан сақлана билдик. Зеро, тинчлик йўқ жойда ҳеч нарса бўлмайди. Савобли ишларга қўл тегмайди. Доноларимиз, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар.

Бу ҳикматни теран тушуниш керак. Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узоқ-яқин юртларни кўриб келаётганлар кўзи очилиб қайтяпти. Чунки ҳақиқий шароит солиштириб кўрганда билинади. Демоқчиманки, биз ҳам истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида оғир хавф остида яшадик. Нафақат иқтисодий қийинчилик, балки маънавий таназзул хавфини ҳам бошимиздан кечирдик. Шукрки, халқимиз ўша вақтдаги вазиятни, бизнинг ниятимизни тўғри тушунди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса, ўз навбатида, ислоҳотларни амалга оширишда катта таянч бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз олдида турган муаммоларга келсак, иқтисодий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда ва бу борада кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Аминманки, яқин йиллар ичида иқтисодий аҳвол бутунлай ўнгланиб кетади. Аммо илм-фанни ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш борасида эса сиз, академиклар, барча зиёлилар олдида жуда улкан вазифалар турибди.



*СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.* Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Республика Фанлар академияси ҳақида гапирар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур илм масканида кейинги бир ярим-икки йил ичида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бир қанча ёш, истеъдодли олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолар эса 86 нафарга етди. Бу сизлар учун оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, таъбир жоиз бўлса, сиз шу қозон ичидасиз. Лекин кенг жамоатчилик назарида, халқимиз ҳаётида бу катта воқеа бўлди. Марказдан четроқда — вилоятларда ишлаётган ходимлар, айниқса умидли ёшларнинг академия аъзолигига сайланиши уларнинг адолат ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Шу маънода Фанлар академиясига янги сайловлар бу ерда қарор топаётган соғлом муҳитнинг илк намойиши бўлди, деди Президент.

Лекин бугунги кунда Фанлар академияси олдида турган муаммолар ҳам кам эмас. **Биз яхши тушунамиз, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келажакни ўйлаб, борига қаноат қилиб ҳам йўлида заҳмат чекиш — бу фидойиликдир.** Бугунги кунда шуни тан олиш лозим: лаборатория ва тажрибахоналарда илм-фанга бутун қалби билан берилган чинакам саботли ва садоқатли заҳматкашларгина қолди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

Ҳозирги оғир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг бурчимиздир. Ўз лабораториясига, ўз изланиш ва тадқиқотларига, ўз фанига содиқ қолган илм аҳли бугун ҳар қанча эъзозга муносиб. Менга қолса, бугун ана шундай одамларга атаб «Фанга садоқати учун» деган махсус медал таъсис этган ва ўша фанпарвар одамларнинг ҳар бирининг кўксига ўз қўлим билан тақиб қўйган бўлур эдим.

Фанлар академиясининг тарғиботи етарли даражада эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Телевидениенинг ҳам, матбуотнинг ҳам бу соҳага эътибори шахсан мени қониқтирмайди, деб таъкидлади Президент. Илм-фаннинг ҳақиқий фидойиларини кўпроқ кўрсатиш, бу мавзудаги кўрсатув ва мақолаларнинг мазмунини тубдан яхшилаш керак.

Халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. **Илм-маърифатга қизиқиши сўст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.** Шу ўринда мени бир нарса қувонтирадики, бизнинг етакчи олимларимиздан ҳеч ким ўз манфаатини ўйлаб чет элларга кетиб қолмади. Ҳолбуки, у ёқларда бизнинг олимларга ҳам «харидорлар» кўплаб топилади.

Шахсан мен буни асл ватанпарварлик белгиси, деб биламан. Ортга бундай содиқлик, бу сабр-чидам, албатта, таҳсинга арзийди. Лекин шу ўринда бошқа ҳақли савол туғилади: хўш, бу сабр-бардош қачгачага давом этиши мумкин? Ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси бор-ку! Агар бизнинг илм-фан аҳлига, чинакам фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бермас эканмиз, бу ҳол тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаннинг замона талаблари даражасида тараққий топиши учун, менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: **гоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркинлиги.**

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди. Савдо-сотиқ, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор.

Иқтисодимизнинг ривожланиши бозор тўкин бўлиши, миллий валютани эркин алмаштириш, чет элларга бориш-келишни осонлаштириш мумкин. Шубҳасиз, ҳадемай барча иқтисодий масалалар ечилади. Ўзбекистон, албатта буюк давлатлар сафидан жой олади. Лекин халқнинг теран маънавиятисиз, гурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун фан кишилари узоқни — ана шу кўзлаган буюк келажагимизни назарда тутиб ишлашлари керак.

Шу маънода, Фанлар академияси олдида қандай вазифалар турибди?

**Биринчидан,** биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда ғурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. **Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.** Илгари айтган бир фикримни яна такрорлаб, ўқиман: ҳар бир авлод тарихининг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим. Хўш, аждодларимиздан бизга бўлган буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз?

Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг **иккинчи** муҳим вазифаси бўлиши керак.

**Учинчидан** эса, умуман академиянинг таркибий тузилишини қайта қурмоқ даркор. Токи, бу фандаги устивор соҳаларни ривожлантириш учун тўла имконият берсин.

Очиғини айтганда, илм-фан соҳасида танқид жўда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кўпдан бери одатга айланиб қолгандек. Ҳолбуки, танқид - тараққиёт омилларидан биридир. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, ҳар бир илмий ходимнинг чет тилларини пухта эгаллаши зарур. Негаки, бир илмий кашфиётнинг, айтайлик, инглиз тилидан рус тилига, кейин ўзбек тилига ўгирилиб, бизга етиб келиши учун уч-тўрт йил вақт кетади ва у эскириб қолади. Бинобарин, аслият тилини билмаган олим илмий янгиликлардан, тараққиётдан орқада қолади. Ўз қобиғига ўралашиб қолиш эса фанда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз шарт, деди Президент сўзини давом эттириб, биз Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлакати бўлиш гўёки қолоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлакати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина, муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни давринг ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир, деди Президент. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Айниқса, фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир. Нима учундир айрим кишиларда бу фанларни ривожлантириш қимматга тушади, деган нотўғри қараш бор. Фақат бу фанлар улкан самарасини кейинроқ беради, холос. Улар олимдан алоҳида салоҳият, истеъдод, сабот-матонат талаб этади. Бу фанлар билан дуч келган ҳар қайси олим ҳам шуғуллана олмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бу фанлар ривожига кўмаклашувчи алоҳида жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу жамғарма маблағларини устивор илмий соҳалар учун адолатли тақсимлаш академия ва жамғарма кенгаши зиммасида бўлиши зарур.

Менинг яна бир фикрим шундайки, биз фан ва унинг ҳар қайси бўғинларига — у институт, бўлим, лаборатория бўлсин, тегишли эркинлик, тегишли қулайлик ҳамда моддий шарт-шароит яратиб бермасак бу соҳада самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчиманки, деди Ислом Каримов, академиямизга бундан буён ҳам энг нуфузли фан маскани бўлиб қолсин. Илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг беқиёс ақл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар.

**А.ТОШХЎЖАЕВ. (ЎзА).**

## ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлиги билан шу йил 14-16 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 НОЯБРДАГИ «ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Кўрилаётган чораларга қарамай, айрим хўжалик раҳбарларининг бепарволиги, масъулиятсизлиги оқибатида ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлиш ва пайҳон қилиниши ҳоллари давом этмоқда. Бу ишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва етказилган зарарни тўла ундириб олиш юзасидан қатъий амалий чоралар кўрилмаяпти. Қишлоқ хўжалик экинзорларида мол ва парранда боқиш, автотранспорт воситалари, шунингдек, молларнинг экинзорлар орқали ўтиши ҳоллари билан ҳеч ким ҳисобга олмаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва хўжалик раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини бажаришга доир ишлари қониқарсиз деб топилсин.

Улардан экинлар сақланишини таъминлаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш талаб қилинсин. Экинлар нобуд қилинишига йўл қўйган хўжалик раҳбарларига нисбатан уларни лавозимидан бўшатиш ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишгача қаттиқ чоралар кўрилсин.

2. Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар кўрсин. Амалдаги қонунни бузишга доир ҳар бир факт юзасидан айбдорлар қаттиқ жавобгарликка тортилсин. Экинлар кўпроқ пайҳон қилинадиган жойларда қузатиш постларининг иши мажбурий тартибда қайтадан тиклансин ва профилактика ишларининг самарадорлиги оширилсин.

3. Прокуратура (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ҳамма жойда «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилишини текширишни ташкил этсин. Қилинган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам ахборот бериб турилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 ноябрь.

*«Оқ олтин — 95»*

## ТИРИШГАН ТОҒДАН ОШАР

***Тошкент вилояти пахтакорлари она-Ватанга 280 минг тонна «оқ олтин» сотиб, йиллик режани бажаришди.***

Бугун Тошкент вилоятида ҳақиқий байрам. Ахир байрам қилмай бўладими? Уч йилдан бери йиллик режалар бажарилмай, юзлар ёруғ бўлмай келардида. Ўзбекистонимиз мустақил бўлганидан бери вилоят бу йил йиллик режани биринчи бор шараф билан уддалади.

Кейинги уч йил ичида айрим сабабларга кўра пахтачилик соҳасидаги мавқе бироз пасайиб қолганди. Бу йил эса вазият тамоман ўзгарди. Деҳқонлар мустақиллик, ерга эгалик ҳиссини амалда туйдилар. Шуниси қувончлики, ерни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосил йиғим-теримини ташкил қилишгача бўлган барча иш жараёнларини уларнинг ўзлари вазиятдан келиб чиқиб ҳал этдилар. Парваришни ҳам, суғоришни ҳам ўз вақтида олиб боришди. Юқоридан турли буйруқ-кўрсатмалар бўлгани йўқ. Деҳқонлар ўз ишини билиб қилганлари туфайли ҳосил ҳам кўнгилдагидек бўлди.

Вилоят пахтакорлари кўп йиллик тажрибаларга асосланиб чигитни вақтида, сифатли қилиб экиб олишди. Чигит вақтида ундириб олинди, яганаланди ва парваришланди. Суғориш ишлари ҳам оби-тобида бажарилди.

Бироқ, теримга сал кечроқ киришилди. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки теримга киришишдан аввал пахтазорларни дефолиация қилиш зарур эди. Бу эса муваффақиятли амалга оширилди. Ғўза барги ёлдон тўкилиб бўлгач эса теримга киришилди. Минглаб техника воситалари бирданига далага олиб чиқилди. Кўп хўжаликларда, бригадаларда машина теримидан унумли фойдаланилди. Бунинг иложи бўлмаган жойларда эса чевар теримчилар ишга тушди. Шуларнинг ғайрат-шижоати билан катта хирмон уйилди.

Мавсум муваффақиятини таъминлаган омиллардан яна бири шуки, далада ишловчиларга ҳар беш кунда ҳақ тўлаб турилди. Одамлар ўз меҳнати натижасини дарров ҳис қилишди. Бу эса янги-янги меҳнат ғалабаларига чорлади.

Бу йилги мавсумда одатдагидек Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка ва Бекобод туманлари ўзлари етиштирган салмоқли ҳосил билан вилоят хирмонига барака қўшишди. Тадбиркорлик билан иш кўрган бу туманларнинг хўжаликлари ўз вақтида режани уддаладилар.

Ҳа, катта карвон — Тошкент вилояти деҳқонлари ўз мавқеларини тиклаш борасида муҳим қадам қўйишди. Давлатга 280 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил кўп. Деҳқонлар она-Ватан хирмонларига яна 10 минг тонна дурдона етказиб бериш ниятида астойдил меҳнат қилишаётир.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 1086 сўм,**
**олти ойга — 543 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга—1210,80 сўм,**
**олти ойга — 605,40 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 876 сўм,**
**олти ойга — 438 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга — 1211 сўм,**
**олти ойга — 610 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.




## «АЭРОФЛОТ»НИ МАРШАЛ ШАПОШНИКОВ БОШҚАРАДИГАН БЎЛДИ

Собиқ СССРнинг собиқ мудофаа вазири, авиация маршали Евгений Шапошников яқинда Россия «Аэрофлот»ига бош директор этиб тайинланди. У янги лавозимда иш бошлаганининг эртасига матбуот конференцияси ўтказди.

Янги жойдаги фаолиятини «ҳақиқий эркаклар иши» деб баҳолаган маршал Шапошников ҳозирча «қаттиқ ҳаракат» қилмаслигини айтди. Бироқ кадрлар алмашинуви бундан мустасно бўлиши мумкин. Евгений Иванович «Аэрофлот» илгаригидек Россиянинг йирик миллий авиа ташувчиси бўлиб қолади, деб умид билдирмоқда. «Ҳар ҳолда бунга давлатнинг ўзи қизиқиши керак. Чунки «Аэрофлот» акционерлик жамияти назорат пакетларининг асосий қисми давлат қўлида тўпланган», деди у.

## ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИ УЧУН МАХСУС ОРДЕН

Ироқ Президенти Саддам Ҳусайнга 15 октябрда унинг президентлик ваколатларини яна 7 йилга узайтириш бўйича ўтказилган референдумда Ироқ халқининг бир овоздан ишонч билдиргани учун махсус орден бериладиган бўлди. Мамлакатнинг ушбу олий нишони «Халқ ордени» деб аталиб, у тоза олтин, бриллиант ва бошқа қимматбаҳо тошлардан тайёрланади.

Олий нишонда Ироқнинг давлат белгилари акс этган бўлади. Ушбу олий мукофотнинг Саддам Ҳусайнга қачон топширилиши ҳозирча аниқ белгиланган йўқ.

*Бу дунёнинг ишлари*

## ЎЙИНДА ЮТГАНЛАР СУД ЙИҒИЛИШИГА КИРИШДИ

Японияда «АУМ синрикё» диний мазҳаби етакчиси Асахара устидан суд давом этмоқда. Кейинги суд мажлисида диний мазҳаб раҳбари полицияга ўз адвокатини «бўшатиши» ҳақида хабар берди. Хўш, бу нимани билдиради? Япония жиноят кодекси ушбу саволга аниқ жавоб бериши мумкин: агар ҳимоядаги кишига ўлим жазоси ёки 3 йилдан то ҳаётининг охиригача қамоқ жазоси белгиланадиган бўлса суд жараёни оқловчисиз ўтиши мумкин эмас.

Ушбу суд жараёнига мамлакат аҳолисининг қизиқиши катта. Суд йиғилишига кириш учун махсус билетлар ўйини ҳам ўтказилди. Суд жараёнига кириш учун ариза берган 4158 кишидан фақат 56 кишининг омади чопди.

Асахара 67 ёшли оқловчиси Сёдзи Ёкояма хизматидан воз кечди. Чунки қандайдир сабаб бўлибми, адвокат суд бошланишидан уч кун олдин машина авариясига учради ва соғлигини тиклаб олиш учун судьядан икки ҳафта муддат сўради. Эндиликда судья давлат оқловчисини тайинлаши керак. У Асахара иши билан танишиб чиқиши учун 10 мингта ҳужжатни ўрганиб чиқиши лозим. Бунинг учун камида икки-уч ой вақт кетади. Шу сабаб диний мазҳаб етакчиси Асахара устидан очиқ суд жараёнини бу йил ўтказишнинг имкони бўлмайди.

**(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

# ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

## Бу зафарободликларнинг ҳикмати

**Баҳорги экиш мавсуми яхши ўтди. Чигит қарийб бир текисда ундириб олинди ҳам. Деҳқоннинг машаққатли ёз мавсуми келиб, навбатма-навбат суғориш бошланди. Шунга келганда муаммо юзага келди ва кундан-кун улканлашди. Мўлжалдагининг ярмича ҳам сув етиб келмади. Шунданми, унда-бунда гап сўзлар чувалашди. Асосли-асоссиз. Асослиси — сувнинг йўқлиги рост эди. Асоссизлиги...**

**Зафарободликлар Жиззах вилоятидаги пахтачиликка йўналтирилган туманлар орасида қатор йиллардан бери давом этаётган анъаналарига содиқ қолишди. Режа уддаланди. Давлатга 30700 тоннадан ортиқ хом ашё сотилди. Чиройли ютуқ омиллари нимада? Туман ҳокими Собиржон Абдусатторов билан мулоқотларимиз шу ҳақда бошланди.**

— Агар мақтанишга йўймасангиз,— дейди у.— Бу йилги ютуқ Зафаробод халқининг жасорати ҳосиласи бўлди. Сирасини айтганда еримиз қаттиқ чарчаган. Асосан гипсли, шўр. Ишчи кучимиз кам. Устига-устак бу йилги энг улкан муаммомиз сув масаласи бўлди. Ўзи сув тақчиллиги устига Зафаробод Сирдарёдан сув ичадиган энг охирги туман ҳисобланади. Бошқача айтганда, қулоқнинг охири. Ҳисоб қилсак, мўлжалдагининг 38-40 фоизи миқдорида сув келди, холос. Аммо бу бўшашувчанликка асос бўла олмади. Чунки бундан ёмони йўқ. Айниқса, бугунги шароитда ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Ҳудудимиздан ўтувчи Жиззах коллекторидан ва бошқа яна қидириб топилган манбалардан қарийб 9 метр куб сувни экинзорларимизга буришга эришдик.

Зафаробод халқи ўзининг, заҳматли меҳнатининг қадр-қимматини, баҳосини биладиган эл. Ҳукумат ўзи йўл кўрсатаяпти, режани бажарган байроқни олиб кетади. 40 фоизлик режадаги ва яна қўшимча ҳосил ўз ихтиёримизда қолади. Бу дегани оз эмас, кўп эпас, 400 миллион сўмга яқин даромад дегани-ку. Мана, сизга энг катта омилларнинг бири.

***Зафарободда бўлган кунимиз тумандаги бир йўла тўрт хўжаликнинг тўйи устидан ҳам чиқдик. Шулардан Собир Раҳимов номидаги ижара ширкатлар бирлашмасининг дала шийпонларидан биридамиз. 9 минг тоннадан ортиқ хирмон уйилган. Раис Баҳром ака Маллаев хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмайди. Атрофини пахтазорлар ўраган, посёлкадан 5-6 чақирим узоқда жойлашган шийпонга Жиззахдан, Самарқанддан меҳмонлар келишди. Яхши хабарнинг қаноти бормикан, дейсиз. Табриклар ва қутловлар ёғилади.***

***Баҳром ака бизга ҳам биррор вақт ажратди. «Менинг хурсандлигим шу кичкина элимнинг хурсандчилиги, менинг юзим ёруғми, элники ҳам ёруғ...» Унинг бундан бошқа тилагини сўрашга ҳам ҳожат қолмади.***

***Кечқурун ҳокимни «Оқсарой»дан топдик. Оқсарой деганлари соҳибқирон Амир Темур хурматига шундай аталган катта кошона. Юртнинг маданиятига, тарихига ойна мисол оппоқ «либос»да қад кўтарган иморатнинг нақшинкор устунларида-да қандайдир рамз бор. Туман меъмори Нодирбек аканинг айтишича, ҳали бу жойда катта мажмуа бунёдга келади. Ҳашаматли Зафаробод дарвозаси қад кўтаради. Ҳарқалай, яхши ният билан бунёд бўлган Оқсарой бугун элнинг корига хизмат қиляптими — ниятлар қутлуғ бўлсин, деймиз.***

***Тумандаги ташкилот ва хўжалик раҳбарлари тунги штабга йиғилишаркан. Биз эса унгача бўлган 2-3 соатлик вақтимиздан фойдаланиш илинжида Собиржон акага яна мурожаат қиламиз.***

**— Ҳоким бова, бугун қишлоқни саноатлаштириш зарурлиги кун тартибидаги масалага айланди. Қарангки, Зафарободда катта корхоналарга дуч келмадик...**

— Тушундим. Тўғри, бизда катта саноат нуқталари йўқ. Чунки бизнинг шароитда бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Ушбу улкан ҳудудимизда баъзан бошқа вилоятларда 10 киши бажараётган ишни 1-2 киши қилишига тўғри келаяпти. Еримиздан унумли фойдалансак, йилига бир неча марталаб ҳосил олишни, қаерга нимани ва қачон экишни тўғри ташкил қилсак, туманимиз аҳлига кўпроқ нафи тегади. Шу маънода ҳар бир туманнинг ўзига яраша ихтисослашгани тузук.

**— Маҳаллалар фаолиятига эътибор қандай бўлаяпти?**

— Зафарободда 1992 йилдаёқ, ҳали юқоридан фармойиш берилмасидан маҳаллалар ташкил этиб, уларни молиявий таъминлаганмиз. Улар бизнинг энг катта таянчимизга айланишди. Катта ишларнинг бошида ҳам улар. Оқсоқоллар, фаоллар билан ака-ука, ота-ўғилдек бўлиб кетганмиз...

**— Ҳали фикрингизни тугатмадингиз...**

— Шундай. Ўзим Ғалларолда туғилдим. Вилоятнинг бир неча туманларида ишладим. Мана 5 йил бўлаяпти, шу ердаман. Бугун зафарободлик эканимдан гурурланаман. Бу ердаги фаолият мени кўп нарсага ўргатди. Халқим деб ишласанг, жон койитсанг шу халқ сени хор қилиб қўймаслигини дил-дилдан ҳис этдим. Шунданми, маҳаллаларга борсам ўз оға-иниларим каби суюкли юртдошларим билан ака-укадек самимий гаплашгим келади.

**— Шу ўринда кўзланаётган хайрли ишлар хусусида батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Меҳнатни заҳматкаш халқ қилди. Эккан, етиштирган, йиғиб-топширган ва улкан хирмон кўтариб, лафзидан чиққан ҳам шу халқ. Демак, даромад ҳам халқники. Умуман олганда, аввало бу даромад халқимиз ҳаётига янада тўкинлик, фаровонлик, юксалиш олиб келади ҳам. Энди бошқа режаларимиз ҳам йўқ эмас. Овзкенг сув омбори қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганмиз. Бу бизнинг сув масаласидаги қийинчиликларимизга барҳам беради. Хўжаликларимизда вино заводи, мева қуритиш корхоналари, пахта тозалаш заводимиз қошида мих тайёрлашга мўлжалланган қўшма корхоналар қуришни ҳам ният қилиб турибмиз.

**Зафарободда бугуноқ тўй бошланди. Бу тўйнинг тўрида улкан ғалабани таъминлашда катта ҳисса қўшган Собир Раҳимов, Охунбобоев, Алексеевский, К. Турғунбоев номли хўжаликлар, А. Сафаров, О. Нуралиев, Т. Эргашев, Ҳ. Ҳасанов кабилар бошлиқ ширкатларнинг заҳматкаш деҳқонларнинг ўз ўринлари бор. Мамадиёр Нуралиев раҳбарлик қилаётган Беруний номли хўжалик ҳам ғолибларнинг олдинги сафларида бўлишди.**

**Зафарободда ўтган бир кунлик сафар хулосасини ўша маълум ва машҳур ҳикматга боғладик: куч адолат ва бирликда экан. Бизнингча, бу хулосадан кўплар ибрат олса арзийди...**

**Ҳусан ЭРМУҲАММАД,**
**«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.**
**Суратни Сувон РАҲИМОВ олган.**

# ЯНГИ ВАЗИФАЛАРГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Партиямиз маҳаллий ташкилотлари Ўзбекистон ХДП тузилганлигининг 4 йиллигини турли тадбирларни ўтказиш билан нишонладилар. Жумладан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман партия кенгашида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрни» мавзуига бағишланди.

Конференцияда Тошкент молия институти профессори, фалсафа фанлари доктори Н. Маматов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, иқтисод фанлари доктори Х. Муродова, Ўзбекистон ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Хоназаров, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ЎзХДП бошланғич ташкилоти котибаси Н. Липоткина, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси С. Оқмирзаев ва бошқалар маъруза қилдилар. Улар партиямизнинг мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичидаги ўрни ва аҳамияти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ХДП ташкилотларининг вазифалари, маҳаллалардаги ҳудудий ташкилотларимиз фаолиятини такомиллаштириш, миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб қилишда партия аъзоларининг фаол иштирок этиши зарурати каби масалалар хусусида атрофлича фикр юритдилар, амалий таклифларни киритдилар. Йиғилганлар эътибори бошланғич партия ташкилотларида бошланган ҳисобот-сайлов йиғилишларини ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишни, улар партиямиз ташкилотлари ва аъзоларининг фаоллигини оширишга, партия ички ҳаётини янада демократиялаштиришга хизмат қилишини таъминлашга қаратилди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири С. Қурбонов сўзга чиқди.

**Э. САЪДУЛЛАЕВ.**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

# «Узум шунчалар саргардонми?»

Шу сарлавҳа остида босилган танқидий мақола текшириб, чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот ва узумчилик саноати уюшмасига юборилган эди. Уюшманинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Н. ХЎЖАЕВнинг рўзномамизга жавоб беришича, **мақолада келтирилган мавзу тўғри деб топилган. Республикамизда ўтган 2-3 йил давомида узум ҳосили маълум сабабларга кўра кам бўлган эди. Бу йил об-ҳавонинг қулай келиши туфайли узум жуда кўп бўлди. Илгари узум ҳосилининг маълум бир қисми бошқа давлатларга жўнатилар эди.**

**Етиштирилган ҳосилнинг бу йил асосий қисми ўз жойларида қолди, бошқа давлатларга чиқариш имконияти бўлмади. Вазиятни тўғрилаш мақсадида жойлардаги маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари иложи борича кўпроқ маҳсулотни олишга ҳаракат қилишмоқда. Хўраки узум навлари қуритишга қўйилмоқда.**

**Уюшма мутахассислари жойларда жамоа хўжаликларида бўлишиб узум ҳосилини йиғиб-териб олишда амалий ёрдам беришмоқда. Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА ЕР СОТИШ ҲУКУМАТ ИХТИЁРИДА ҚОЛДИ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов яқинда «Ерларни хорижий мамлакатларга ижарага бериш тўрисида»ги Қонунни тасдиқлади. Ушбу ҳужжатда айтилишича, давлат мулки сифатида ер ижарага берилиши мумкин. Ижарага бериш ҳуқуқи Туркманистон ҳукуматининг ўзига берилди. Ижара ҳақи мамлакатнинг марказлаштирилган бюджетига ҳар уч ойда келиб тушади.

Қишлоқ жойларда ижара ҳақи тўлаш ҳар гектар суғориладиган ерга кўп йиллик экинлари ва ўрмонлари билан бирга йилига 955 АҚШ доллари ҳисобида тўланади. Шаҳар атрофидаги ҳайдаладиган ерлар эса йилига 172 АҚШ долларига баҳоланди. Шаҳарлардаги ерлардан фойдаланиш масаласига келсак, бу ҳолда ижара ҳақи шаҳарнинг эгаллаган мавқеи ва ер участкасининг қаерда жойлашганига асосий эътибор қаратилади.

### МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**АҚШнинг Детон шаҳарчасида собиқ Югославиянинг уч давлати ўртасида музокаралар давом этмоқда. Ушбу музокараларда томонлар 200 дан зиёд қочоқ оилаларни ўзлари туғилиб ўсган жойларга қайтариш ҳақида келишиб олдилар. Хорватлар Травник, мусулмонлар Яйцега қайтадиган бўлишди.**

**Музокаралар махфий тарзда ўтказилди. АҚШ давлат департаменти махсус вакилининг айтишига қараганда, ҳозирги пайтда Сербия, Хорватия, Босния ва Герцеговина давлатлари Президентлари қарийб 100 саҳифадан иборат тинчлик шартномаси лойиҳасини ўрганиб чиқишмоқда.**

### МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тожикистон Республикасига Малайзия, Япония, Тайланд, Покистон, Эрон ҳамда Жаҳон банки ва ҳалқаро валюта жамғармаси миллий мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, Европа ҳамжамиятининг таъсис дастури бўйича ҳам кадрлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда 500 нафар тожикистонлик мутахассислар халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича юқорида номлари қайд этилган мамлакатларда таҳсил олмоқда.

### ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИ УЧ ОЙ ТУТҚУНЛИКДА

**Россиянинг «Аэростан» компаниясига қарашли Ил-76 самолётининг 7 кишидан иборат экипажи аъзоларини Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати жангарилари тутқунликда ушлаб турганига ҳам мана уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Россия делегацияси вакилларининг бир неча бор толиблар билан учрашувига қарамай музокаралар кутилган натижани бермаяпти.**

**Россия Бош вазири Виктор Черномирдин экипаж аъзоларини тутқинликдан озод этишни тезлаштириш мақсадида АҚШ, Покистон, Саудия Арабистони давлатлари бошлиқларига мурожаат қилиб, бу масалада кўмак беришларини сўради.**

### ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИГА ЭҲТИЁЖ ЎРГАНИЛДИ

«Франциянинг дастлабки ёрдами» деб номланган мазкур мамлакатнинг давлатга қарашли булмаган ташкилоти делегацияси Тожикистонга келди. Улар мамлакатнинг турли вилоятларида бўлиб, инсонпарварлик ёрдамига бўлган эҳтиёжни ўрганишди.

### МЕТРОДА АВАРИЯ ЮЗ БЕРДИ

**Москва метросининг Арбат-Покровский йўналишида авария ҳолати юз берди. Бунинг натижасида ушбу йўналишда метро ҳаракати 6 соат тўхтаб қолди. Минглаб йўловчилар вақтида ишга боролмай қийналиб қолишди.**

**Москва шаҳар маъмурияти тезлик билан аварияни бартараф қилиш чораларини кўрди. Қўшимча равишда ушбу метро йўналиши бўйлаб ерусти транспортига 47 та автобус ажратилди. Метросозлар ерости йўл ҳаракатининг техник камчиликларини бартараф этишгач, поездлар мунтазам ҳаракати йўлга қўйилди.**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Душанбедаги бўлими энг яхши тасвирий санъат асарлари учун танлов эълон қилди. Унда республикадаги барча рассомлар инсон ташвишлари ва муаммолари, орзу-умидлари акс эттирилган асарлари билан иштирок этишлари мумкин. Танлов натижалари 1996 йили БМТ конференциясида эълон қилинади.

### ХИТОЙГА РАСМИЙ ТАШРИФ

**Қирғизистон Республикаси Бош вазири Апас Жумагулов расмий ташриф билан Хитойга борди. Ташриф давомида икки қўшни мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.**

**«Мазкур ташриф мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий соҳалардаги алоқаларини янада кенгайтириш имконини беришга ишончим комил», деди у хитойлик журналистлар билан суҳбатда.**

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

*Маррадан ўзганлар*

# КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

***Белгиланган режани уддалаган жамоалар сафи кун сайин, соат сайин кенгайиб бормоқда. Пайариқ туманидаги «Деҳқонобод» деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси пахтакорлари қўлга киритган муваффақиятлари Самарқанд вилоятида алоҳида баҳоланмоқда. Гап шундаки, Пой каналининг этагида жойлашган бу хўжалик узоқ йиллар мобайнида режани бажаролмай келар, қарийб бир ярим минг гектар майдонда пахта етиштирадиган бу хўжалик Пайариқ туманини орқага тортарди. Мазкур уюшмага ўтган йили янги раис келдию, ишлар жонланиб кетди. Мухбиримиз хўжалик раиси ХДП аъзоси, вилоят кенгаши депутати Иброҳим Аҳадовнинг муваффақият омиллари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди:***

— Жамоамиз 1995 йил ҳосилига ўтган кўзда замин қўя бошлади. Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳисобланмиш жамоамизда давлатга пилла топшириш режаси 120 фоиз адо этилди, ғалла тайёрлаш 780 тоннани ташкил этиб бу борадаги режа ҳам уддаланди. Пахта йиғим-теримига ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан киришдик. Белгиланган режани муддатидан илгари адо этишда ҳар бир деҳқон ва ёрдамчининг ҳиссаси катта бўлди. Ватан хирмонларига 3460 тонна «оқ олтин» ҳадя этилди. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 26 центнерни ташкил этди, Биринчилар қатори зафар маррасидан ўзган Т. Султонов, А. Тўғанов, С. Эргашев, А. Холмуродов ва Я. Қулунов бошлиқ деҳқон-фермер хўжаликлар қўшган улуш салмоқли бўлди. Ҳар бири 7-8 тоннадан «оқ олтин»ни эл хирмонига қўшган З. Болибекова, Ч. Салимова, Ш. Қамбарова, Р. Элибекова, Н. Аҳмедова каби чевар теримчилар, машинабоп қилиб ўстирилган пайкалларда жавлон урган М. Турсунов, Р. Болибеков, А. Холдоров сингари моҳир механизаторлар алоҳида ғайрат кўрсатишди. Қўшни Қўшработ туманида ва Самарқанд педагогика билим юрти жамоаси бизга яқиндан ёрдам беришмаганида эҳтимол бугунги муваффақият бирмунча кечиккан бўлармиди Ҳозир даладаги ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиб, 1996 йил мавсумига пухта замин кўриш учун барча чораларни амалга ошираяпмиз. Пахтакорларимиз республика хирмони 4 миллион тоннага етгунча курашни давом эттиришга аҳд қилишган. Ишончимиз комилки, бу марра албатта эгалланади.

*Газлаштириш*

# ОВУЛЛАРГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ» КЕЛДИ

**· НУКУС (мухбиримиздан). Қорақалпоғистоннинг Қораўзак тумани маркази ва овулларини газлаштиришга аҳамият берилмоқда.**

«Қоракўл» ижара корхонаси акциядорлари 13 километрли масофага газ қувурлари ётқизишган бўлса, А. Дўстназаров номли шоличилик хўжалиги ҳудудида 8 километрга газ қувурлари тортилди. Ҳозир 200 хонадонда зангори олов ёнмоқда. Бундай қулайликдан айниқса овул аҳли беҳад хурсанд бўлмоқда.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.**

*Ким ошди савдоси*

# КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИДА

**· ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Кўчмас мулк биржаси билан йил бошидан бери 23 марта ким ошди савдоси ўтказилди. Унда 182 та иншоот ким ошди савдосига қўйилди.**

Бу иншоотларнинг бошланғич нархи 9 миллион 226 минг 680 сўм бўлгани ҳолда, ким ошди савдосида 11 миллион 514 минг 600 сўмга сотилди. Бу тадбирлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**

*Мулоҳаза*

# «ИМПОРТНИЙМИ, ЗНАЧИТ ЗЎР» ДЕГАНЛАР ЯНГЛИШАР

**Тан олиб айтиш керак: республикамиз истеъмол бозори маҳсулотга тўлиб бораяпти, қаерга қараманг мўл-кўлчилик. Кийим-кечак дейсизми, озиқ-овқатми, ўзимизникида чиқарилганидан тортиб узоқ хориждан келтирилганигача бор. Фақат сизнинг харид қилиш имконингиз бўлса бас. Бироқ, ҳозирги пайтда бизни ўйлантираётгани бошқа нарса. Хўш, четдан келтирилаётган буюмлар ва озиқ-овқатларнинг ҳаммаси ҳам сифатлими, улар истеъмолчи талабига жавоб берадими?**

Бу саволга бир овоздан «ҳа» дейиш қийин. Чунки, кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Чет элдан сара моллар билан бир қаторда сақлаш муддати ўтиб кетган, сифатсиз маҳсулотлар ҳам келтирилаяпти. Мана, ҳозир қаерга қараманг тижорат дўкони. Уларда четдан келтирилган буюмлар, озиқ-овқатлар, турли ичимликлар бисёр. Баҳосига келсак номига яраша — тижорат нархида. Лекин сифати-чи? Сифати, афсуски, баҳосига тўғри келмайди. Баъзи дўконларда қатор-қатор териб қўйилган ичимликлар, турфа хил шоколадлар, конфетлар, колбаса ва бошқа егулик маҳсулотларнинг сақлаш муддатлари аллақачаноқ ўтиб кетган, сифати бузилган. Бироқ, «тижоратчи» уни пештахтадан олиб қўйишга эмас, балки тезроқ пуллаб, сотишга интилаяпти. Очиғи, бир томондан бунга биз истеъмолчиларнинг бефарқлиғимиз ҳам сабаб бўлаяпти. Нега десангиз, онгимизга «импортнийми, значит зўр» деган ақида ўрнашиб қолган. Хорижий маҳсулот ёрлиғига, ялтироқлигига, яхши қилиб ўралганига қараймиз-у, ичидагига, мағзига эътибор бермаймиз.

«Хей, «Марс» бўлмай қарс бўлсин», дейди яқинда бир қишлоқлик «бизнесмен» дўстим. «Икки катта қутисини Тошкентдаги «Ипподром» бозоридан сотиб олиб, қишлоқдаги дўконимда пулламоқчи эдим, чув тушиб қолдим. Бозордаги тонгги олди-сотида шоколаднинг сақлаш муддатига қарамабман. Уйга келиб кўрсам, охирги муддати «9.04.95» деб ёзиб қўйибди. Шоколад тошдек қотиб қолган. Пулига қуйиб қолмайин деб бошқа бировга ўтказиб юбордим».

«Хорижда чиқарилгани яхши бўлади, деб тижорат дўконидан ўглимга ботинка олувдим. Икки ҳафтага бормасдан сўкилиб кетди. Кейин билсам, ботинка Хитойдан келтирилган экан. Энди қаерникини олсам бўларкан?» Бу ён қўшнимнинг кўнгил ёзиғи.

«Айниган пивони ичиб ўн кун ўзимга келолмадим», «Импортний бўлса ҳам бир ойга чидамади», «Хитой арағидан заҳарланибди», «Кожанка эмас, бир бало экан» ва ҳоказо. Бу сўзларни кўча-кўйда, автобусда, ишхонада кўпчилигимиз эшитганмиз. Аммо уни одатий ҳол сифатида қабул қилганимиз ёмон.

Эътибор берганмисиз, учтўрт ёшли болаларимиз ҳам «Дада, «Марс» оберинг, «Сникерс» келтирмадийизми, «М-М-Денс» қачон бўлади?» дейди. Лекин «хўрозқанд» оберинг дегани камдан кам учрайди. Тўғри, мен кичкинтойларимизнинг турли хил ширинликлардан бебаҳра қолишини истамайман. Афсуски, муддати ўтган шоколадлар, конфету ичимликларни ўз жигарбандларига бериб, кейин пушаймон аҳволда касалхонага чопиб юрган ота-оналаримиз қанча? Яна денг, бозордан тижорат дўконидан, «кооператив», сифатсиз кийим-кечак, пойабзал олиб, кейин «аттанг» деб қолганлар-чи?

Энди масаланинг иккинчи томонига келсак, қўш-қўш савол туғилади. Бу маҳсулотлар қайси йўл билан юртимизга келтирилаяпти? Уларни келтираётганлар фақат ўз чўнтакларинигина эмас, балки бу маҳсулотни истеъмол қилувчи юртдошларини ҳам ўйлашаяптими? Дарвоқе, ким истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилади? Солиқ идоралари ёки ички ишлар органларими? Ёхуд давлат стандартлаш марказими? Ким эскирган, сақлаш муддати ўтган сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларда, тижорат дўконларида ва ҳатто кўчакўйда сотилишига рухсат беряпти? Уларнинг сифат сертификатини сўраётганлар борми?

Тўғри, чет элдан сара моллар ҳам кўп олиб келиняпти. Буни «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, халқим деб юрган диёнатли савдогарлар амалга оширяптилар. Лекин баъзан ўзимизда шундай турдаги маҳсулот бўла туриб, уни четдан келтириш ҳоллари ҳам учраб турибди. Яқинда республикамиз енгил саноат давлат уюшмаси мутасаддиларидан бирига шу ҳақда айтганимда у «Нимасини айтасиз, бу муаммо бизни ҳам ташвишга солаяпти. Савдо ташкилотлари ўзимизникидан кўра, кўпроқ четникини маъқул кўришяпти» деди куюниб. Шунда ўйланиб қолдим. Чамамда биз бозор учун зарур бўлган талаб ва таклифни яхши ўрганмаяпмиз. Кейин хорижникиларни кўз-кўз қилишни билмаяпмиз. Маҳсулотни реклама қилиш, фирма белгиси, ёрлиғи, яхши ўраш, хуллас товар маркетинги билан етарлича шуғулланмаяпмиз. Энди биз маҳсулотимиз ўзимиздагина эмас, четда ҳам харидор топиши учун бозор конъюктурасини чуқур билиб, ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Шундагина ишлаб чиқариш корхоналари омборлари маҳсулотларга тўлиқ турмасдан вақтида эгасини топиши мумкин.

**Сифатсиз чет эл маҳсулотларига келсак, бизнингча, масалага чуқурроқ ёндашадиган пайт келди. Эскирган, сифатсиз буюмлар, сақлаш муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини келтираётганларга нисбатан қатъий чоралар кўриш зарур. Токи улар диёнатсизлик йўлидан қайтсинлар. Фикримизча, республикамизда ҳам кўпгина ривожланган мамлакатлардаги сингари истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамият ёки ташкилот тузилиши керак. У сифатсиз товар ишлаб чиқарувчиларга ҳам, эскирган маҳсулотларни келтирувчиларга ҳам тегишли чоралар кўриб, харидор манфаатини ҳимоя қилиш билан шуғулланган бўлур эди.**

**Аслиддин БОЛИЕВ.**

*Биз шундай халқмиз*

# УМИДЛАР МАМЛАКАТИ

Иттифоқо, шаҳар ўртасидаги «уй бозор»дан ўтишга тўғри келди-ю, у ердаги турфа ҳолатни кўриб бироз қизиқсиниб, айланиб қолдим. Шунда эътиборимни бир суҳбат тортди:

— Сал қимматроқ айтмаяпсизми, биродар?

— «Зато» бу ерда олдин немис ойласи яшаган...

Бу гапдан кейин биринчи киши — у харидор, чамамда, рози бўлди. Мен аввалига нега немис одамнинг уйи бошқаларникидан қимматроқ бўлиши кераклигини тушунолмадим. Бу ишларнинг ичида юрадиган бир танишимдан охири сўрадим. У тушунтирди:

— Гап шундаки, немиснинг уйи ҳар доим пишиқ қурилади. Қолаверса, яшаш учун барча қулайликлар назарда тутилади. Ундан ташқари, бу халқ уйга яхши қарайди, озода, сариштa, бекаму кўст тутади.

Анча олдин бўлиб ўтган бу суҳбат ҳамон ёдимда. Шу-шу немис халқига ихлосим ошиб қолган.

Яқинда тижоратчи танишим Германиядан қайтди. Шу тижоратнинг орқасида дунёнинг кўп жойларини кўриб қўйган бу одамнинг гаплари:

— Шунча юрт кезиб бунақасини кўрмаганман. Йўллар текис, равон. Иморатлар батартиб, режали солинган. Ҳаммаёқ сариштa. Озодалик. Кўчалар ёғ тушса ялагудек. Бир сўз билан айтганда, иқтисоди юксак даражада ривожланганлигини, айниқса, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳар тарафлама баркамол эканлигини ҳис этиб турасан. Инсон ҳаётини яхшилаш учун зарур, ҳатто энг майда, кўз илғамас енгиллик ва шарт-шароитлар ҳам яратилганлигини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан. Тўғриси, дўконлар пештахталарини тўлдириб ётган кўплаб маҳсулот турларини сотиб олиш учун номини билиш у ёқда турсин, баъзан унинг нима учун кераклигини билолмасдан пешананг тиришади.

— Қизиқ, урушда биз енгганмизми ё улар! Енгилган мамлакат шунчалик гуркираб ривож топиб кетган бўлса, енгган СССР нега хароб бўлди, нега иқтисод ўтириб қолди, нега буюк мамлакат инқирозга учради?!

Унинг бу гаплари чиндан ҳам кишини ўйга толдиради.

Кўпни кўрган адиблар ва журналистлар худди беш йил олдин, яъни ошкоралик сиёсати гуркираган даврда шунақа ва шуларга ўхшаш тажанг саволларни ўртага ташлашган, таҳлил-талқин этгандирлар ўзларича. Менимча, бундай саволларни халқнинг номидан бериш жиззакиликдан бошқа нарса эмас. Чунки, немис, япон, корейс «феномени» ёхуд «мўъжизаси» деб ном олган ёрқин тарихий-иқтисодий жараёнларнинг илдизи халқнинг қалбидан сув ичади, тенглик ва озодлик муҳитидан бош тортади. Оврўпа ва инсоният тарихида муҳим ўрин эгаллаган немис халқи иккинчи жаҳон урушида Германия енгилгандан сўнг илғор иқтисодиёт ва комил сиёсат миллатни дунёвий жараёнлар издиҳомидан қутқарувчи қўшқанот эканлигини англади, давлатчилигини мустаҳкамлади, бирлашди, равнақ авжини сўндирмади ва ниҳоят бугун дунёнинг энг ривожланган, баркамол жамият қура олган давлатлардан бирига айланди. Барчасининг заминида омилкорона ва одилона меҳнат ётибди.

Лекин масаланинг бошқа соф сиёсий жиҳатларини қўя турайлик. Мен бир нарсани ўйлаб қолдим — инсоний феъл-атвор нуқтаи-назаридан немис ва ўзбек халқларида умумий муштарак томонлар кўп экан.

Немис халқи ҳам ўзбек қатори меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиган экан. У ҳам ўзимиз қатори саранжом-сариштaлик, айтганини қиладиган, лафзли, содда ва тўғри сўз.

Ҳозир Германия иқтисодий ўсиш, ривожланиш даражаси бўйича энг олди давлатлардан саналади. Тўғрисини айтганда, ўртача немис ва ўзбек ойласининг турмушини, Германия ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳозирча бир-бирига қиёслаш ўринли эмаслигини яхши биламиз. Бир пайтнинг ўзида немислар шу кунги даражага етгунга қадар 10-15 йил кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилганлигини ўйлаймизми? Биз эса яқиндагина мустақил бўлдик ва ўтган қисқа фурсат ичида энг ривожланган давлатлар қаторига чиқишга замин бўла оладиган иқтисодий пойдевор яратиб улгурдик. Ҳар бир ўтган кун, ҳар бир соат бизни фаровон ҳаётга тобора яқинлаштириб боряпти. Кун сайин янги бир корхона ишга туширляпти, янги бир маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Дўконларда, бозорларда ўзимизнинг маҳсулотлар тобора кўпайиб бормоқда.

Лекин биз ҳаётни бугунги нонинг нархи билан белгилашга ўрганиб қолганмиз. «Нон яна ошибди» деб қўямиз. Сал ўзига тўқроқлар — уловлилар «бензин тағин ошди» деб қўяди. Лекин тараққиёт мезонларини бугунги нархлар белгиламайди. Бизда ҳозир кўпроқ эртанги тўкинликнинг, эртанги юксалишларнинг заминига ишланмоқда, яхши кунларнинг пойдевори мустаҳкамланмоқда. Бу ҳам узоқни кўзлаб қилинаётган сиёсатнинг устивор жиҳатлари эмасми?

Фашизм ва у яратган давлатчилик немис халқини дунё олдида шарманда қилганда, ориятли, ҳур фикрли немислар «фашизм — немис халқи эмас» дея уруш вайроналари узра янги ҳаёт биносини тиклашга киришди. Биз ҳам. Фақат биз худди шундай уруш харобалари узра коммунистик пуч пойдеворга таянган «голиб таълимот» иншоотларини қура бошладик. Пуч пойдевор эса узоққа бормади. Шу маънода бугунги мустақиллик пойдеворлари ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бу эртанги кунга умид, ишонч, халқни фаровон қилиш, озод ва обод Ватан қуриш туйғулари билан қад ростлаётган пойдеворлар.

Худди шундай ўша даврда немис халқи ҳам тинч меҳнатда, юксалиш ва тараққиёт орқали ўз шаънини тиклаш шижоати билан иш бошлаганди.

Немис тикланиши ва немис мўъжизаси иштирокчилари ҳам биздаги қад ростлаш шиддатимизга очиқ тан беришмоқда. «Бугунги натижаларингиз, бизнинг урушдан кейинги дастлабки 4-5 йиллик даражамиздан устун» дейишмоқда улар. Сиёрзусида юрганларнинг кўзи фақат «Мерседес» хонимга тушади. Бу шунчаки юзаки қараганда. Аслида эса Германия мисолида сиёсий ва иқтисодий масалалар чигаллашиб бориши табиий бўлган асримизда бозор иқтисодини ижтимоий йўналтирилишига асосланди, дунёвий ўрнакка айланди. «Халқ руҳи»нинг ҳар ким ҳам англаб айта олмайдиган ботиний жиҳатлари ҳам борки, Ўзбекистон бозорига Германия ишбилармонлари дадил кириб келишар экан, демак, бозор иқтисодиётининг юқумли сирларига қовушганимиз тайин бўлди. Хоразмда «Мерседес» юк машиналари корхонасидан тортиб Тошкент азим аэропорти таъмирланишига ва мукаммаллашига немиски бош қўшибдими, дунёнинг Ўзбекистон бозорига янги технология ва янгича муносабатлар билан кириб келгани чин бўлди. Дарвоқе, улуғ можар шарқшуноси Вамбери, ўтган асрда немислар ва ўзбеклар табиатида кўпгина муштараклик борлиги хусусида ёзган эди.

Қисқа қилиб айтганда, мен бугунги Германияда Ўзбекистон истиқболини кўрмоқдаман.

Немис диёридаги бу улкан ўсишлар сабабларини таҳлил қилганда энг аввало халқнинг яхши кунларга умиди, ишончи енгилмаганлигини айтиб ўтиш лозим бўлади. Истиқболга ишончи синмаган халқ шубҳасиз оёққа туриб кетади.

Биз илгари мактабда «умидлар мамлакати» тўғрисидаги эртакларни кўп ўқигандик. Бугунга келиб мавжуд ҳаётда умидлар мамлакатида яшаяпмиз. Холисанилло айтганда, дастурхонимиз у қадар ҳам тугал эмас, баъзан вақти-бемаҳал меҳмон келиб қолса бироз шошиб қолишимиз ҳам бор. Рўзғор ташвишларидан ортиб ҳою-ҳавасга фурсат қолмаётгани ҳам рост. Лекин яна бир бор холисанилло гапни айтганда ҳамма ичичидан ҳозирги улкан ишлар, залворли қадамлар бизни яхши, тўкин кунларга тезда элтишини ҳис қилиб турибди. Умидли ишлар, умидли кунлар, умидли одамлар орасида яшаяпмиз.

Бу йил ўқитувчилар кунида кўплаб устоз-мураббийларга ҳукумат орден ва нишонлари берилди. Ўша куни ойнаи жаҳонда ўқитувчилар байрамига атаб видеоканал ташкил этилди. 3 соатли ушбу кўрсатувни кўриб ўтириб, тўғриси, тўлқинланиб кетасан киши. Қийинчилик, оғирчилик, мураккабликлар тўғрисидаги гаплар ҳамон айланиб юрган кезларда, кўрсатувдан кўнглинг ёруғ ҳисларга тўлиб тўрасан. Бироз китобий тилда гапиришга ўрганган бу халқ вакиллари мактаб, ёш авлод тарбиясига қўшажак ҳиссалари, фидойилик ҳақида жўшиб, самимият билан гапиришдики, уларнинг гапларига ишонгинг келади. Буни яна шунинг учун ҳам айтяпманки, ойнаи жаҳонга чиққан ҳамма ҳам юракдан, самимий гапирмайди. Эфирга чиқунча бировларнинг ҳақига хиёнат қилиб туриб, фурсати келганда галстук тақиб, фидойилик ва ҳалоллик ҳақида гапирадиганлар ҳам учрайди. Шу маънода ўқитувчиларнинг ўша кунги эҳтиросли гаплари, ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги куюнчак сўзлари кишини руҳлантиради.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги байрами кунлари кўплаб қутлов, табрик хатлари бўлди. Матбуотда ҳам кўп ёзилди. Менга бир хат кўп таъсир қилди. Фарғона томонда бир гуруҳ кишилар даштдан 50 гектар ер олиб, боғдорчиликка қўл уришган экан. Ўша қақроқ, бўз ер бугун яшил, файзли боққа айланибди. Биринчи ҳосилини берибди. Диққат қилинг, роса 4 йил олдин бошланган меҳнат бугун ўз ҳосилини тигибди! Рўзғорда, ишда қанчалик мураккабликлар бўлмасин, улардан кўз юммаган ҳолда, тан олинг, бу ҳолат кўнглимизга ажиб бир илиқлик олиб кирмайдими, бу воқеадан рамзий маъно уқмайсизми! Мустақиллик ҳосил бера бошлади. Бу бодомзор боғ келаси йил бундан ҳам кўпроқ ҳосил беради. Мустақиллигимиз ҳам. Фақат боққа ҳам қаров керак бўлганидек, мустақилликка ҳам садоқат, фидойижонлик керак.

Ёки Андижон томонларда улгаяётган 4 ёшли Мустақилжонни биласизми? Унинг акаси ёзишича, ўша машъум ГКЧП кунлари укаси туғилган. Отаси шунда «Узбекистон ҳам мустақил бўлсин», деб укасига Мустақил деб исм қўйган. Хатда ёзилишича, ўшанда одамлар отасига, эрта-бир кун коммунистлар яна ҳукуматни олишса, болангга жавр бўлади дейишган экан. Шунда отаси «Йўқ!» Бундай бўлмайди, агар биз ориятли халқ бўлсак, энди мустақиллигимизни қўлдан бермаймиз. Вақтлар ўтиб, ўғлим Мустақил отам менга дунёдаги энг ёруғ, энг улуғ исм қўйган деб фахрланиб юрсин» деган экан. Биродар, рўзғор халтаси елкангизга ботаётган бўлса ҳам холисанилло айтинг, ушбу воқеа дилингизни равшанлаштирмайдими?

Ўша «уй бозор»да немис уйи қадри баланд бўлгандан бери, шеригим «пулим кўпайса немис қурган уй сотиб оламан» деб юради.

Балки, немис уйини қидириб юрмай, ундан ҳам ўтказиброқ қуришни, яшашни ўрганганимиз яхшидир. Аслида ҳам биз шундай яшашга ҳақли халқ эмасмизми? Негаки, юртимизда тўқ, фаровон ҳаётни таъминлаш учун зарур барча шарт-шароит мавжуд: еримиз ҳосилдор ва қазилма бойликларга бой, осмонимиз қуёшли ва раҳбарларимиз иши пухта, ҳар ишга қодир, эли учун, юрти учун жонини фидо қилишга тайёр, халқимиз эса — меҳнаткаш. Қолаверса, бу она тупроқ ўз юрти шони-шавкатини оламга машҳур этган улуғ авлод-аждодларимизни ҳам унутгани йўқ. Биз дунёни яна ҳайратга солишга қодир халқмиз.

**Аҳрор АҲМЕДОВ.**

*Шаҳар бедарвоза эмас*

## ДАРОМАДНИ ЯШИРИБДИ

Баъзилар манфаатга ўтиргач йўл-йўриқ кўрсатган устозларини ҳам, давлат қонун-қоидаларини ҳам тамоман унутади, ўзини хон, қўланқасини майдон ҳисоблайди. Деҳқонобод туманидаги «Чилангар» кичик корхонасининг бошлиғи М. Бойқулов ҳамда бош ҳисобчи Б. Эшқувватовлар ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди.

Қозонхоналарни таъмирлаш, юқори босимдаги қувурларни ювиш, темир тўрлар тўқиш, турли саноат ҳамда баъзи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхонанинг ташкил топганига бир йилдан сал ошди. Ана шу даврдаги даромад ва харажатларнинг бирламчи ҳужжатлари туман солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботлар билан солиштириб кўрилганда корхона даромадидан 45183 сўм яширириб қолинганлиги аниқланди. Республика давлат солиқ идоралари тўғрисидаги Низомга асосан корхонадан юз фоиз молиявий жарима билан 90366 сўм ундириб олинадиган бўлди.

Айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ж Книнг тегишли моддаси билан жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошлаб юборилди.

**Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ.**


"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Копіса U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

*Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.*

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.



АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!

"ЎҚУВЧИ" омонати бу:

- *миқдори камида 10 сўм бўлган,*
- *йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,*
- *нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,*
- *юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.*
- *"Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.*
- *"Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!*

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ


*Ҳамкорлик*

## АРАБ ТИЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ТОШКЕНТДА

Мисрлик араб тили мутахассисларидан иборат махсус гуруҳ араб тили асосларини ўқитиш мақсадида Тошкентга келди.

Миср Араб Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик доирасида ҳамда араб тилини ўрганаётган ўзбек талабаларининг билимини янада ошириш мақсадида араб тили асослари мутахассислари гуруҳи Тошкент Давлат шарқшунослик институти таклифига биноан мамлакатимиз пойтахтига келди.

**Абдулла ПЎЛАТОВ.**


Американско-Азиатский Фонд Поддержки Предпринимательства
Asian-American Enterprise Fund
Центральное

1995 йил 25 октябрь

"БУХОРО МАРМАР"

*қўшма корхонаси*

1. 750.000 АҚШ доллари

мармар ва гранит плиталарини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона Низом сармояси қуйида имзо чеккан —

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш фонди томонидан ажратилди.

Бухоро,
Ўзбекистон.



ПАХТАЧИЛИККА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН "ПАХТА-БАНК" РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОРАСИДА ДАРҒАЛИГИЧА ҚОЛАДИ.

"ПАХТА-БАНК" ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ИККИНЧИ БОСҚИЧ АКЦИОНЕР ОБУНАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

АКЦИЯЛАР НОМИНАЛИ — 1000 СЎМ.

Йирик акциялар ғазнаси эгалари акциялар гувоҳномасини олишлари мумкин.

1994 йил якунларига кўра, банк акционерларига эгаси ёзилган оддий акциялар бўйича 120 фоиз ва имтиёзли акциялар бўйича 150 фоиз йиллик дивидендлар тўланди.

1995 йил бошидан буён "Пахта-банк"акционерларига ҳар чоракда эгаси ёзилган оддий акциялар бўйича йиллик 120% ва имтиёзли акциялар бўйича йиллик 150% ҳисобидан дивиденд тўланди.

"Пахта-банк" биринчи босқич акцияларининг бугунги кундаги курси бўйича номинали 1000 сўм бўлган ҳолда 1920 сўмдан иборат бўлмоқда.

"ПАХТА-БАНК" АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг ҳуқуқий вориси бўлган "Пахта-банк":

"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг биринчи босқич акциялари 1995 йил охиригача бланкаларда "Пахта-банк"нинг янги муҳрини вакил қилган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказишни;

"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг барча акциялари қимматбаҳо қоғозлар бозорида олдинги шартлар асосида муомалада бўлишини эълон қилади.

"ПАХТА-БАНК" ВЕКСЕЛЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— банк мижозларига энг қуйи фоизларда вексел кредитлари ҳавола этади;

— Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий шахсларига векселларни сийлов билан сотади;

— фойдали шартлар асосида векселларни ҳисобга олиш (харид-савдо, сақлаш ва пулини қайтариш) бўйича операциялар ўтказади.

ЮРИДИК ШАХС ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Пахта-банк"нинг қимматли қоғозлар билан операцияларни такомиллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсатномасига эга бўлган ва республика "Тошкент" фонд биржасида рўйхатга олинган брокерлик идораси қуйидаги брокерлик хизматларини кўрсатади:

1. Қимматли қоғозлар бозорини тадқиқ қилиш.
2. Мижознинг жамғармавий ғазнасини бошқариш.
3. Мижознинг қимматли қоғозлар хариди ва савдоси бўйича кафилликларини ижро этиш.
4. Мижознинг қимматли қоғозлар ғазнасини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш.
5. Қимматли қоғозларга инвестициялар бўйича маслаҳат хизмати кўрсатиш.
6. Мижознинг қимматли қоғозларини республика "Тошкент" фонд биржасида экспертиза қилишга тайёрлаш ва ҳавола этиш.
7. Мижоз кафиллиги бўйича брокерлик вакиллигини амалга ошириш.
8. Қимматли қоғозлар курси, битимлар, операциялар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Ҳар хил ахборот хизматлари кўрсатиш.

Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича малака гувоҳномаларига эга мутахассисларимиз хизмат кўрсатишнинг юқори сифатига кафолат беради.

КЕЛИНГ. ҲАМКОРИМИЗ БЎЛИНГ!

*Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси 43, метронинг "Ҳамза" бекати.*
*"Пахта-банк" ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки, 3-қават, 53, 58- хоналар.*
*Телефон: 78-10-94 Тел/факс: (3712) 78-12-96, Телекс: 116412 IRIS SU.*

# МУСАВВИРЛАР СУЛТОНИ

***«Мусаввирлардан Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозик қилди».***
**Заҳириддин БОБУР.**

Тасвирий санъат ўзига хос мўъжиза олами. Уни ифодалашга сўз ожизлик қилади. Бобокалонларимиз айтганидек, мўъжизавор тасвир қаршисида гоҳо ҳайрат бармоғини тишлаб лол қоламиз, даҳо мусаввир санъатига таҳсинлар айтамиз.

**...Мозийдан бир дарак.** Мусаввирлар пири Устод Моний (217-273) шогирдлари билан тасвирларни кузатар экан, чуқур ўйга толибди: унинг шогирдлари маҳоратнинг энг баланд чўққиларини эгаллаб, расмларга жон бағишлар даражада таассурот яратганлар. Ниҳоят, Моний ўз шогирдларига санъат равнақининг янги уфқини белгилаб берган эмиш. Унинг айтишича, агар мусаввир тасвирдаги ҳар бир чизиққа ҳам жон бағишлай олсагина у ҳақиқий санъат сирини эгаллаган бўлади.

Ана шундай санъат тилсимини очган мусаввирларнинг бири Устод Камолиддин Беҳзод эди.

«Монийи соний», яъни «Иккинчи моний» деган баланд, фахрий унвонга сазовор, ҳаётлигидаёқ замондошлари томонидан нодирлар нодири, яхшилар яхшиси, мусаввирлар пешвоси, музаҳҳиблар етакчиси каби сифатлар билан таърифланган Устод Беҳзод жаҳон тасвирий санъати тарихидан мустасно баланд ўринни эгаллаган. Ҳатто европалик санъатшунослар Беҳзод санъати ва маҳоратидан ҳайратланиб уни «Шарқнинг Рафаэли» деган муқояса билан улуғлаганлар.

Камолиддин Беҳзод 1455 йилда Ҳирот шаҳрида таваллуд топди. Отаси ҳунарманд косиб бўлган. Беҳзод ота-онадан жуда ёш етим қолди. Наққошлик ва мусаввирликка салоҳияти бўлганлиги учун ёш Беҳзодни подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро китобхонасининг раиси бўлган Мавлоно Мирак нақкош ўзига шогирд қилиб олади. Ёшлигидан сарой ўрамидаги ижодкорлик руҳи билан тўла муҳитга тушиб қолган Беҳзод бадиият сирларини тез эгаллаб, хусусан мусаввирлик соҳасида бир олам асарлар яратди.

Алишер Навоийнинг сақланиб қолган бир хатида улуғ амир подшоҳнинг янги саройи безакларини бажаришга тавсия бериб **«...ани тасвир қиладур киши Устод Беҳзоддир»**, — дейди. Афсуски, Беҳзоднинг монументал безаклари ўша ажойиб меъморий кошоналар қаторида сақланмаган. Беҳзод Алишер Навоий китобхонасининг бошлиғи бўлгани ҳам маълум.

Устод Беҳзод кўп йиллик ҳаёти давомида минглаб муъжаз тасвирлар ишлаган, у тасвирий санъатда ўз усул ва услуби билан бадиий мактаб яратди. Афсус билан қайд этамизки, устоднинг бармоқ билан санагудек асарлари бизнинг давримизгача етиб келган.

Машҳур муаррих Зайниддин Восифий «Бадоиул-вақое» асарида қизиқ бир ҳодисани шарҳлаган. Мусаввир Беҳзод янги ишлаган серқирра тасвирини мажлисга келтирган. Бу йиғин тафсилотини гувоҳ Восифийдан эшитинг:

«Сувратда тасвирланишича ораста боғча, турли-туман дарахтлар... Зангори гул тўплари орасида Мир Алишернинг ёқимли хуш-суврати. У асога таянган... Ҳазрати Мир ул сувратни мушоҳида ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа — боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари...

*Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигига*

Сўнгра Навоий мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди:

— Азизларни хотирича бу муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар келди?

Мирнинг устози... Мавлоно Фасиҳиддин деди:

— Маҳдумлар! Кўз олдимдаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб узсамиз, дасторимга санчсам!

Мирнинг улфати ва дўсти Соҳиб Доро:

— Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо қўл чўзсам, дарахтлар устидаги қушлар ҳуркиб, учиб кетмасин, деб андиша қилдим, — дейди.

Хуросоннинг хуштабиат аҳлидан ва пешволаридан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб, қочирим сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон:

— Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман, агар сўз қотсам, мабодо, ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, қошларини чимирадилар, — дейди.

Нозик табиатли ва Мир унга «латифатарош» деб лақаб қўйган хуросонлик хушомадгўй мавлоно Бадахший бўлса:

— Эй мавлоно Бурҳон, агар беадаблик ва густоҳлик бўлмаганда, сувратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб бошингизга солар эдим, — дейди.

Ҳазрат Мир:

— Азизлар яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини маъқул сочишди. Агар мавлоно Бурҳон ўша номаъқул ишни раво кўрмасалар ва даҳолик қилмасалар, мен табоқлардаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим», — дейди.

Беҳзод ижодига мансуб маълум ва машҳурларидан бири Султон Ҳусайн Бойқаро сиймосидир. Подшоҳ саройида у кўп йиллар хизмат қилган. Ҳукмдорнинг энг яқинлари қаторида Ҳусайн Бойқарони жуда яхши билган, унинг бир қанча расмларини ишлаган бўлиши керак. Бизгача фақат бир портрети сақланиб қолган.

Бошқа бир миниатюрада Беҳзод подшоҳни боғ сайри ҳолатида тасвирлаган (Расм Теҳрондаги Гулистон саройида сақланмоқда).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1506 йилнинг кузида Ҳирот шаҳрида 20 кун меҳмон бўлиб турди. У шаҳарнинг элликдан ортиқ меъморий қадриятларини бориб зиёрат қилди. Олиму фузалолари билан яқиндан танишди. Хусусан мусаввир Беҳзод ижоди билан қизиқди. Балки портрет Алишер Навоийнинг «Унсия»си ҳовлисида ишланган бўлса ажаб эмас. Чунки Бобур шу уйда 20 кун истиқомат қилгани маълум.

Подшоҳ Муҳаммад Шайбонийхон темурийлар давлатининг инқирозидан фойдаланиб Хуросон давлатини эгаллади, унинг пойтахти Ҳиротни 1507 йилда босиб олди. Ўша давр адабиёти ва санъати аҳволига ўз таъсирини қисман ўтказди. Тарихий воқеаларга сезгир ва зийрак олим ва подшоҳ Бобур тасвирий санъатдаги ўзгаришларга ишорат қилиб, «яна Мулла Султонали Машҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттига қалам киюриб, ислоҳ қилди», — деб кўрсатиб ўтгани бежиз эмас.

Шайбонийхон хизматига ўтган Беҳзод янги ғолиб подшоҳ тасвирини 1507 йилнинг иккинчи ярмида яратган. Бу портрет ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. У Беҳзод ижодининг портрет яратишдаги ёрқин саҳифаси десак бўлади.

Тасвирнинг тепа қисмида Беҳзоднинг иккита дастхати бор: ўнгда — «Суврати Шайбонхон», сўлда — «Алабд Беҳзод», яъни «Қул Беҳзод» деб хат чекилган.

Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома» китоби қўлёзмасини варақлаймиз. Устод Беҳзод қаламига мансуб ранг-баранг тасвирлар: «Жанг манзараси», «Хива қалъасини Амир Темур томонидан қамал этилиши», «Самарқанддаги масжиди Жомеъ қурилиши» каби тасвирларнинг ҳар бири алоҳида достон, ўша давр ҳужжати десак бўлади. Жомеъ масжиди қурилишини кузатар эканмиз, Навоийнинг сатрларини эслаймиз:

**«Муҳандиским, бу қаср обод қилди,**
**Бу янглиғ тарҳини бунёд қилди:**
**Бийик тоқ устида устоди Банно,**
**Қуйидин қилса ҳишт олмоқ таманно...»**

Дунёнинг йирик китоб хазиналарида, Қоҳира, Париж, Лондон, Санкт-Петербург каби шаҳарларида Беҳзоднинг ноёб асарлари сақланмоқда. Уларни атрофлича чуқур ўрганиш санъатшуносларнинг муқаддас бурчи.

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан Тошкентда халқ амалий санъати кўриги ўтказилиши, мусаввирлар ижоди кўргазмасининг очилиши, санъатшунослик институтида Беҳзод ижоди ва ҳозирги замон тасвирий санъати муаммоларига бағишланган илмий анжуманнинг ўтказилиши санъатимиз равнақи йўлидаги амалий тадбирлардир.

Янги замон — истиқлол даври беҳзодлари халқимиз бағрида ижод қилмоқдалар, тасвирий санъатнинг бадиий чўққилари сари шаҳдам қадам босмоқдалар.

**Пўлат ЗОҲИДОВ,**
**санъатшунослик доктори.**

# «БЕЛДА БЕЛБОҒИНГ БОРМИ?»

***Бу сўзни ёши улуғ отахон азамат йигитга айтганди***

*Ўзбек феъли*

1995 йилнинг авжи кузида кўпчиликнинг нигоҳи Тошкентимизнинг Алпомиш спорт саройига қаратилди. Бу ерда Осиё қитъасининг мана-ман деган зарби зўр йигитлари куч синашдилар. Биргина шу мусобақада мустақилликнинг турфа қирралари жилваланди. Агар жилов собиқ марказ қўлида бўлганида шундай нуфузли беллашув Ўзбекистонда ўтказилармиди? Асло? Илгари «Юбилейный» деб аталган (тавба, ўзбек тилида «ный» қўшимчаси мутлақо бўлмаса ҳам ишлатаверган эканмизда) масканни шу заминдаги афсонавий қаҳрамон номи билан Алпомиш деб атаса ҳам бўларкан-ку! Олис Филиппин ёки Японияндан келган меҳмонлар қизиқиб сўрашгандир: Алпомишнинг маъноси нима деб. Бу сўз изоҳини тушунган чинакам полвонлар, азаматлар авлоди эканлигимизга тан беришгандир.

Мен Осиё биринчилиги учрашувларини ойнаи жаҳон орқали кузатганимда йигитларимиз ғалабасидан бир қувонган бўлсам, уларни қўлда байроқ билан қувватлаб турган ишқибозларнинг жипслигию жўровозлигидан янада таъсирландим. Улардаги завқ-шавқ, руҳий кўтаринкилик миллионлаб томошабинларга кўчганлигидан шодландим. Ахир қувонмай бўладими: ғолибнинг номи сарой узра эълон қилинганда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграса. Илгари юртимиз номини талаффуз қилишга тили келишмаган хорижликлар «Тошкент», «Алпомиш» деган сўзларни бурро ифода қилишяпти, бу сўзлар қаторига ўзбекнинг янги полвонлари номлари қўшилиб боряпти. Шундай дақиқаларда беихтиёр ўйлайман: биз ўз вақтида Руфат Рисқиевнинг қадрига етолдикми? Ҳа, унинг номи ғолиб сифатида дунёга таралганида боши узра кўтарилган байроқ ҳам, ижро этилган мадҳия ҳам ўзбекники эмасди!

Бундан ўн беш йиллар муқаддам каттақўрғонлик таниқли дарғалардан бири Отақул Ҳусанов туман идорасида ишлайдиган йигитдан «Ўғлим, эшитдингизми, кеча «Пахтакор» сафарда қандай ўйнади?» деб сўраб қолдилар. Ҳалиги йигит ўта лоқайдлик билан «Мен қаёқдан билай, футболга кўпам хушим йўқ» деб қолди. Шунда Отақул ака тутоқиб кетди: «Ҳой, белингда белбоғинг борми, ўзбекмисан? Наҳотки Ўзбекистоннинг бош командаси қандай ўйин кўрсатганлиги сени қизиқтирмаса? Э, суф-ей, шундай азамат йигит-а». Албатта, бу ерда гап фақат 10-15 нафар спортчининг футбол майдонидаги ўйини ҳақида кетмаётганди. Ер юзининг қайси нуқтасида бўлмасин Ўзбекистон деган диёрни, заминни оламга танитиши мумкин шу команда. Хўш, биз бунга лоқайд қарашимиз тўғрими? Президентимиз Ислом Каримов давлат ва жамият қурилиши академияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Ҳар қандай иш асосида миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги билан куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим» дея дилимиздаги сўзларни айтдилар. Дарҳақиқат, ғурур ва орият бизнинг ўзбекда алоҳида. Яхши ишлар билан фахрланиш, ярамас одатлардан ҳазар қилиш юртимиз одамларига хос. Ана шу эзгу хислатлар эндиликда мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак. Биз бунёдкорона қўлларимиз билан шундай маҳсулотлар чиқарайликки, токи у билан бутун халқимиз фахрлансин. Ўзбекистонникими — демак сифатли, деган тушунчанинг ҳамма онгида мустаҳкамланиши учун курашишимиз лозим.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Уни ўргимчакдай ивирсиб ҳам, бургутдай юксак парвозларга чоғланиб ҳам ўтказиш мумкин. Қалбига эзгу ниятларни жо қилган кишиларгина мард ва мағрур бўлишади. Ҳозир бу фазилатлар яккамдуккам одамларда эмас, балки ҳаммада — мустақил Ўзбекистон фарзандиман деган ҳар бир фуқарода бўлмоғи муҳимдир. Бунинг учун биз бир-биримиздан зарур бўлганда шундай сўраб турайлик: «Белингда белбоғинг борми?!».

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

*Муносабат*

# УШОҚНИНГ УВОЛИ

Бир қараганда менинг гапларим майда нарсага ўхшайди. Ўзим ҳам аввалига «ёзсамми, ёзмасамми» деб иккиландим. Аммо ҳар гал шу манзарага кўзим тушиб, дилим хира бўлавергач, ёзгим келди.

Бизнинг маҳаллада, асосан, зиёлилар яшайди. Кейинги пайтда тижоратчилар ҳам, хорижликлар ҳам қўшилмоқда. Маҳалламиздан сал чеккароқда ахлат ташлайдиган жой бор. Ҳар гал борганимда ахлат қутисининг ёнида пўчоқлар, чиқиндиларга аралашиб ётган эски кийимларга кўзим тушади: болаларнинг сиғмай қолган пойабзаллари, таъмирталаблари ҳам бор. Кийимлар, бир неча марта атлас кўйлакларни ҳам кўрдим. Буларнинг орасида, албатта, кийишга мутлақо яроқсизлари бордир, балки, уларни ташласа бўлар. Бир пайтлар қишлоқда бундай кийимларни ҳам аравада йиғиб юришарди. Демак, улар ҳам бирор нарсага яраган-да. Бутунлиги шундай кўриниб турган пойабзаллар, устки кийимларга қараб, аллақандай ҳолга тушаман. Ўзларига керак бўлмаса, туппа-тузук нарсаларни хор қилгани уволидан қўрқишмасмикин? Бировга берса «кўнгли оғрийди» деб андиша қилишса, бу тарзда хўлу қуруқ ахлатга аралаштириб ташламай, бир чеккага чиройли қилиб териб қўйса, таъби тортган одам керак қилиши мумкин-ку. Умуман, ўша кийимлар вақтида уларга хизмат қилган, айниқса болаларига кўрк берган. Қандай қилиб шунақа хор қилиб ташлагани кўзи қияркин.. «Ҳамма эскини тўплайверса қайга сиғади?» деган эътироз бўлиши мумкин. Лекин астойдил ўйланса, ҳаммасининг жойи топилади. Қолаверса, хорижда нуқул чиқиндилар ҳисобига ишлайдиган йирик-йирик корхоналар борлигини эшитганмиз.

... Шу ўринда яна бир нарсани айтмасам бўлмайди, аслида бу кўп бор таъкидланадиган гап. Маҳалламиздa тез-тез тўйлар бўлади. Бу яхши, албатта. Ҳаммани тўйга етказсин. Аммо кўпинча тўйнинг эртаси ўша ахлатжойга овқатлар, ҳатто, нон бўлаклари тўкилади. Октябрнинг бошларида бир тўйдан сўнг бир тоғорача келадиган дўлма тупроққа қоришиб ётган эди. Яқинда яна бир тўйдан кейин бутун, синиқ нонлар аралашиб, ахлатга қоришиб ётганига кўзим тушди. Бу ҳолат бизнинг уволдан қўрқмай яшаган йилларимизнинг оқибати. Майли, тўйчилик, еб-ичар ортди дейлик. Ўз вақтида қўни-қўшнига улашиш мумкин эмасми? Ҳеч йўқса, нонни майдалаб, уйимиз олдидаги кафтдай ерга оз-оздан ёйиб қўйсак, ҳеч бўлмаса қушларга насиба эмасми?

Шундай қараганда, бетартиб кўринган бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз ҳисоб-китоби, мувозанати бор. Бекорга «қайтар дунё» демайдилар-ку...

**БИБИНУР.**

***Сени қандай қилиб юпатсам экан?*** **Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.**

# МЎЪТАБАР МАНБАЛАР МУТОЛААСИ

*Эҳтиром*

Илм — дунёни англамоқ воситаси. Инсоният жамиятининг тараққиётини илмсиз тасаввур этиб бўлмайди. Олимлар эса дунёнинг, инсоннинг моҳиятини англаш ва англатиш йўлида тинимсиз заҳмат чекаётган ҳақиқий маънодаги шахслардир. Бундай олимларни ҳеч нарса илмдан чалғита олмайди. Чунки илм улар ҳаётининг мазмунига айланган бўлади.

Устоз Муҳаммаджон Ҳакимов ана шундай олимлардан. Унинг адабиётшунослик, фольклоршунослик, умуман филология соҳасида яратган тадқиқотлари мавзу қулами жиҳатидан ҳам, илмий салмоғи нуқтаи назаридан ҳам таҳсинга сазовор. У киши Узбекистон ФА Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори, бешта монография ва икки юзга яқин илмий мақолалар муаллифи, ўнлаб шогирдларнинг муҳтарам устози.

Яратган илмий тадқиқотлари таҳлилий қуввати кучлилиги, ишонарли далиллар асосида катта хулосалар чиқарилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг узбек адабиети ва халқ оғзаки ижодиётининг ўзаро таъсири муаммоларига бағишланган «Ёзувчи ва халқ тили» монографияси фольклоршунослигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

М. Ҳакимов — Навоий ижодиётининг толмас тарғиботчиси. У 1962-1966 йиллар давомида Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Душанбе, Санкт-Петербург шаҳарларидаги қўлёзмалар фондларида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг муўтабар манбаларини илмий тавсиф қилиш билан шуғулланади. Ушбу хайрли ишни ҳозир ҳам муттасил давом эттирмоқда.

Қўлёзма манбалар устида илмий фаолият олиб бориш осон иш эмас. Бунинг учун шарқ тиллари, хусусан, араб ва форс тилларини мукаммал билишдан ташқари ўта синчковлик, энг муҳими, сабр ва матонат лозим.. Таъкидлаш жоизки, у кишида ушбу хусусиятларнинг барчаси мужассам.

Устоз ўн икки йил мобайнида Қўлёзмалар институтининг «Энг қадимги ёзма ёдгорликлар» бўлимини бошқарди. Институт директори академик Азизхон Қаюмов ва М. Ҳакимовнинг саъй-ҳаракати билан ушбу бўлим негизида қадимги туркий, уйғур ва суғд ёзма ёдгорликларини тадқиқ этадиган Урта Осиёда ягона илмий мактаб яратилишига асос солинди. Олимнинг ўзи ҳам қадимги ёзма ёдгорликлар тўғрисида бир қатор тадқиқотлар яратди. Суғд ёзуви ёдгорликларининг адабий аҳамияти, Авесто ҳақидаги қатор илмий мақолалар шулар жумласидан.

Айни вақтда устоз «Матншунослик ва манбашунослик» бўлимига раҳбарлик қилмоқда. Мазкур бўлим мумтоз адабиётимиз намуналарини юқори савияда нашр эттириш, уларнинг муўтабар манбалари устида фундаментал илмий-тадқиқотлар яратиш ишида пешқадамлик қилиб келаётганлигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ҳозирги кунда домла Ҳазрат Навоий асарларининг қўлёзма манбаларини илмий таҳлил этиш ишини давом эттириш билан бирга, «Шарқ қўлёзмаларига доир истилоҳларнинг изоҳли луғати»ни яратиш устида муттасил изланишлар олиб бормоқда.

Устоз камтарин ва олийжаноб инсон. Унга бирор маслаҳат сураб мурожаат қилган киши ҳақиқий шарқона мулозамат ва алломаларга хос муносабатни кўриб орамизда шундай ажойиб кишилар борлиги учун Яратганга шукроналар айтади.

**Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,**
**филология фанлари номзоди.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн бош директорининг ўринбосари Т. А. Бобожоновга отаси

**Абдулла БОБОЖОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
*сўмда пул ўтказиш йўли билан*
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
*МАЗ* туркумидаги автомобилларни,
*МТЗ* экскаваторлари ва тракторларини,
автомобиллар ва тракторлар учун
бошланғич бутликдаги: *Д-243,*
*Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва
уларнинг ёнилғи қурилмаларини
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.

*Манзил:* Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.
**Алоқа учун телефонлар:**
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11, 54-62-43,
54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

**БЎЛИМЛАР:**
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №000 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 50.

123456.